

## **ЮРТМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА МАСЪУЛМИЗ**

### **шунинг учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмоғимиз керак**

**ҲУҚУҚИЙ демократик давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан собитқадамлик билан илгарилаётган мамлакатимизда сиёсий партияларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ортиб бормоқда. Дарҳақиқат, бугун кенг жамоатчилик давлат ва жамият бошқарувида ёки мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим масалаларни муҳокама қилиш жараёнида бевосита сиёсий партиялар орқали иштирок этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг дастурий маърузасида фуқаролик жамияти шароитида сиёсий партиялар фаолияти ниҳоятда муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг янги бир босқичини бошлаб берган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да таъкидлаганидек, “айни вақтда шуни унутмаслигимиз керакки, мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир”.**

Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини тинглаб, партияимизнинг Сайловолди платформасида белгиланган ва илгари сурилган ғоялар ҳақида ўйладим. “Партия ўз сафига барқарор ва уйғун миллий ривожланиш ғояларига садоқатли ижодкор зиёлиларни, маориф, маданият соҳалари ходимларини, жамиятнинг бошқа қатламларини, энг аввало, миллий ғояга, миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, Ватанимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқимизнинг ўтмишидан фахрланадиган ва буюк келажагига ишонадиган, мамлакатимиз дунёнинг энг илғор давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашида фаол иштирок этадиган ватанпарварларни бирлаштиради”.

Юртбошимизнинг дастурий маърузасини ўқиб, ўрганиш жараёнида шундай хулосага келиш мумкинки, агар мазкур маърузанинг бутун моҳиятини шартли равишда бир нуқтага бирлаштирадиган бўлсак, миллий манфаатларимиз, яъни шахс, жамият ва давлат манфаатини ҳимоя қилиш ва илгари суриш энг муҳим масала сифатида акс этганини кўрамиз. Бу эса мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторида кўришни истовчи ва бунга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга тайёр фуқароларни бирлаштирган ва сиёсий майдонда миллий манфаатларнинг ҳимоячиси сифатида фаолият юритишни ўзининг асосий мақсади, деб билган, бизнинг Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияимиз аъзоларига, партия етакчиларига жуда катта масъулият юклайди.

Кейинги пайтда қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар ва сиёсий партиялар фракцияларининг

роли кучайтирилгани, бугунги кунда фракциялар (депутатлик гуруҳлари)нинг фикр ва таклифларини ҳисобга олмасдан туриб биронта ҳужжат қабул қилинмаслиги жуда муҳим аҳамият касб этди. Шундан келиб чиқиб, барча даражадаги депутатларнинг ташаббускорлигини ошириш, хусусан, маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз депутатлик гуруҳлари томонидан Кенгашлар сессиялари кун тартибига ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ дастурларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган масалалар киритилишига, бу борада ташаббускорликни оширишга эътиборни кучайтириш керак.

Бугун мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, ҳаётга янгича қарайдиган, собиқ мустабид тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб вояга етаётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навқирон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустаҳкам ўрин олмоқда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Бу партия тизимида ёшларга оид сиёсатга, “Ёшлар қаноти” фаолиятига янгича талаб нуктаи назаридан ёндашишга ундайди. Ёшлар билан ишлашда янги, замонавий технологиялардан кенгроқ фойдаланиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар кўламини кенгайтириш талаб этилади. Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол ёшларнинг ташаббускорлигини оширишга қаратилган янги-янги партиявий лойиҳаларни самарали татбиқ этиш зарур. Бунда ёшлар ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги етакчи куч, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчиси эканлигига алоҳида урғу бериш лозим. Шунингдек, ёшларнинг қалбига ва онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларда жамиятимиз тараққиётига ғов бўладиган мафкуравий таҳдидлар, турли ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ҳақиқий маънодаги ватанпарварлик, миллий қадриятлар, анъаналаримизга ҳурмат ҳамда мустақил ва эркин фикрлари билан ўз тенгдошларига ибрат бўлиш туйғуларини камол топтириш партиямизнинг энг асосий вазифаларидан бирига айланиши даркор.

Президентимиз ташаббуси билан 2014 йилга “Соғлом бола йили”, деб ном берилди. Шундан келиб чиқиб, партия Сайловолди платформасида вазифа сифатида белгиланган ёшлар ва болаларнинг Конституция ҳамда қонунларда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни янада такомиллаштириш ҳамда бу соҳадаги амалдаги қонунлар ижроси назоратини янада кучайтириш керак.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ давлат ва жамият қурилишининг Юртбошимиз томонидан илгари сурилган 5 та асосий тамойили бизни инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият, деб эътироф этилган, тинч ва осуда, фаровон кунларга олиб келди. Кўп миллатли халқимизни бир олий мақсад атрофида бирлаштирди. Мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида амалга оширилган туб ислохотлар самаралари, эришилган марралар, қўлга киритилган ютуқлар, аввало, “ислохот — ислохот учун эмас, инсон учун”, деган принципнинг ҳаётга муваффақият билан татбиқ этилиши натижасидир.

Мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бир мақсадга — инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган бу фикрнинг амалий ифодаси жамиятимиз қиёфасида — кун сайин ўзгариб, янгиланиб бораётган демократик жараёнлар, юрт маъмурчилиги ва халқ фаровонлигида кўринади.

**Арслон ЭШМУРОДОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси.**

*Инсон ва қонун, 4 март 2014 йил.*